

НОТЎЛИҚ ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Раъно Жалоловна Сафоева

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

safoyevvarano22@gmail.com

Ушбу мақолада нотўлиқ оилада вояга етаетган фарзандларнинг ижтимоийлашувида ота-она ва бошқа аъзоларнинг фаолияти таҳлил қилинган. Фарзанднинг ижтимоий маконга кириб боришида гендер хусусиятларининг таъсир даражаси ва болаларнинг бу хусусиятларга муносабати ижтимоий сўровномалар таҳлили асосида очиб берилган.

Калит сўз: нотўлиқ оила, гендер хусусият, ота мақоми, она тушунчаси, тўлиқ оила.

Ижтимоийлашув жараёнининг реал-амалий компоненти боланинг кундалик ҳаётини фаолиятда, макро ва микромуҳитда ижтимоий ролларни ижро этиш ва ижтимоий нормаларга мослашиш қобилияти билан белгиланади. Нотўлиқ оила шароитида мазкур жараён бир қатор институтсионал тўсиқларга дуч келади. Ота эътибори ва тарбиясининг етишмаслиги омили нотўлиқ оилада ўсаётган ўғил ва қиз болаларнинг ижтимоийлашув жараёнига турлича ва ўзига хос тарзда таъсир этади.

Ажрашган ва бева респондентларнинг оилада фарзанд тарбияси билан асосан ким шуғулланиши борасидаги фикрлари

Фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи субъект	Жами фоизда	Шаҳар	Қишлоқ
Мен, ўзим (отаси)	13,2	20,0	11,4
Мен, ўзим (онаси)	79,6	70,0	83,5
Бобоси ёки қайнотам	1,0	-	1,3
Бувиси ёки қайнонам	3,1	10,0	2,5
Бошқа киши (тоға, хола ва ҳ.к.)	3,1	-	1,3
Жами	100,0	100,0	100,0

Натижаларга кўра, фарзанд тарбияси масъулияти мутлақ ҳолатда оналар зиммасига тушаётганини кўрсатади. Бу кўрсаткич қишлоқ жойларида 83,5 фоизни ташкил этади. Қишлоқ муҳитида нотўлиқ оила бошлиғи бўлган онанинг кўпинча ўз ота уйига қайтиб яшаши туфайли бобо ва буви билан биргаликда тарбиялаш макони шаклланади ва асосан ўғил болалар ҳаётида кўпроқ кузатилади. Шаҳарда эса ёлғиз оталарнинг улуши қишлоққа нисбатан

юқори эканлиги шаҳарда иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан эркаларнинг болани олиб қолиш имкониятлари кенгроқлигидан далолат беради.

Ижтимоийлашувнинг иккинчи муҳим босқичи когнитив-шахсий даража бўлиб, болада ўз жинсига хос ижтимоий ролларни англаш ва ички ижтимоий муҳитни баҳолаш хусусиятлари билан белгиланади.

Респондент болаларнинг оилаларидаги ижтимоий муҳит борасидаги фикрлари

Фикрлар мазмуни	Жам и	Қизла р	Ўғилла р	Шаха р	Қишло қ
Жуда яхши	28,1	30,6	24,6	33,3	27,8
Яхши	66,7	64,5	70,8	55,6	67,5
Унчалик яхши эмас	3,7	1,6	4,6	11,1	3,2
Бирор фикр билдиришим кийин	1,5	3,2	0,0	0,0	1,6
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Тадқиқот маълумотлари жами респондентларнинг учдан икки қисми ўз оиласидаги ижтимоий муҳитни “яхши” деб баҳолаганини кўрсатади. Эътиборли жиҳати, ушбу ижобий баҳо ўғил болалар орасида нисбатан юқори, қиз болалар орасида эса бироз пастроқ. Психосоциологик жиҳатдан бу тафовут қизларнинг вояга етиш даврида ота билан эмоционал мулоқотни муқим йўлга қўйишни ўта муҳим ва нозик ҳисоблашлари билан изоҳланади. Уларда ота эътиборининг етишмаслиги оилавий муҳитни анъанавий идеал модел билан солиштиришга ва пастроқ баҳолашга олиб келади.

Ижтимоийлашувнинг энг чуқур, яширин қатламларини очиб бериш мақсадида 43 нафар ўсмир ўртасида ўтказилган “Менинг отам ва мен” проектив методикаси натижаларига кўра, ўзбек жамиятининг анъанавий трансформациялашув шароитида болалар онгида отанинг иқтисодий таъминот вазифаси етакчи ўрин эгалламоқда.

“Агар отам кўп пул топганида, биз...” жумласига респондентларнинг 58,1 фоизи (25 нафар) “бирга яшардик”, “онам ишламасдилар”, “оиламиз бузилмасди” мазмунидаги жавобларни берган. Бу ҳолат ўсмирлар онгида оиланинг парчаланиши тўғридан-тўғри иқтисодий етишмовчиликлар ва отанинг молиявий муваффақиятсизлиги билан боғланишини кўрсатади. Респондентларнинг 32,5 фоизи эса прагматик мазмундаги жавобларни (“катта уй сотиб олардик”, “яхши ўқирдим”) кайд этган. Контент-таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ўғил болалар отанинг молиявий муваффақиятсизлигини оила инқирозининг бош омили сифатида кўпроқ баҳолайдилар. Қиз болалар эса бу вазиятда кўпроқ прагматик-маиший мотиватсияни ва фикрларни ифодалаган.

“Отам бизга моддий ёрдам берганида...” жумласини тўлдиришда респондентларнинг 67,4 фоизи ички хавотир ва мажбурият ҳиссини ифодалаган. Айниқса шаҳарлик 17-18 ёшли ўсмирлар жавобларида она билан кучли ижтимоий бирдамлик устуворлик қилди. Хусусан, диагностик интервьюлардан қуйидаги иқтибослани мисол келтириш мумкин:

“Отам пул берганида онамнинг юки енгиллашади, лекин ўзимни қарздордек ҳис қиламан...” (ўғил бола, 17 ёш, шаҳар);

“Алимент ўз вақтида келса, онам хурсанд бўладилар, уйда тинчлик бўлади” (қиз бола, 18 ёш, шаҳар).

Бу эса боланинг отадан келаётган маблағни ҳиссий эмас, фақат прагматик ресурс сифатида қабул қилишини кўрсатади. Бу ерда гендер хусусияти шунда намоён бўладки, қиз болалар отадан келаётган маблағни онанинг психологик хотиржамлиги омили сифатида қабул қилсалар, ўғил болаларда ушбу ҳолат ички мажбуриятни уйғотади ва ўсмир ўзини онаси олдида иқтисодий шерик сифатида ҳис қила бошлайди.

“Менимча, ота оилада энг аввало...” индикатори бўйича респондентларнинг 72,1 фоизи *“таянч бўлиши керак”*, *“пул топиши ва ҳимоя қилиши керак”* деб жавоб берган. Бу ўзбек оилаларидаги патриархал роллар тизимининг бола ижтимоийлашувида устувор эканлигидан далолат беради.

Ажрашган оилаларда ота-фарзанд ўртасида кучли соғинч билан бирга психологик бегоналашув жараёни биргаликда кечаётгани аниқланди. Фарзанд отага керак эканлигини мудом ҳис қилишни ва у билан кўришишни истади.

“Отамнинг вақти бўлмаганида, мен...” жумласига 11-13 ёшли кичик ўсмирларнинг 80 фоизи соғинч ва ҳафагарчилик хусусиятига эга жавобларни берган. Уларнинг аксарияти *“ҳафа бўламан”*, *“йиғлагим келади”*, *“мени яхши кўрмайди деб ўйлайман”* тарзида жавоб берган. Ушбу ҳолат мазкур ёш даврда ота образи кучли идеаллаштирилади ва бола отанинг салбий томонларини инкор этиб, уни қутқарувчи сифатида кўришга интилиши билан изоҳланади.

Лекин ёш улғайган сари мазкур ҳолат кўпроқ кўникиш ва ҳиссий совуқликка ўзгарган. Респондент-ўсмирларнинг 42,8 фоизи *“эътибор бермайман”*, *“ўрганиб қолганман”*, *“ишларим билан банд бўламан”* деб жавоб беришган. Бу ерда ота билан алоқаларнинг узилиши вақт ўтиши билан бола томонидан психологик ҳимоя сифатида ҳиссий блоккланишини кўришимиз мумкин.

“Мен отам билан ... ҳақида гаплашишни истардим” жумласига берилган жавоблар ёш гуруҳлари кесимида кескин фарқ қилди. 11-13 ёшли ўғил болалар футбол ва ўйинлар ҳақида гаплашишни истаса, 14-16 ва 17-18 ёшли ўғил болаларнинг 63,6 фоизи келажак, касб танлаш, маблағ топиш ва *“эркакча сирлар”* ҳақида суҳбатлашиш эҳтиёжи борлигини қайд этишган. Қизлар эса кўпроқ *“мени соғинган-соғинмагани”* ёки *“нега бундай қилгани”* ҳақида гаплашишни истагини баён қилишган. Отаси билан ўз вақтида кўришолмаслик

ва телефонда гаплашолмаслик қиз болада ҳафалик, ўзини руҳий айбдор сифатида талқин қилишга олиб келса, ўғил болаларда кўпроқ ички агрессивлик ва асабийликни келтириб чиқариши, уларда ғайрат ҳамда шахтнинг йўқолишига, ижтимоийлашув жараёнларининг секинлашишига сабаб бўлиши кузатилди. Аксарият ҳолларда ўғил болалар ота билан муносабатларни йўлга қўйишда кўпроқ ёпиқ шаклда, маълум масофани сақлаш стратегиясини танлайдилар. Қиз болаларнинг ота билан муносабатлари эса кўпроқ очик ва самимий кўринишда бўлиб, унинг ўз идеалидаги ота образи билан ҳақиқий ҳаётдаги отани мувофиқлаштиришга уриниши ранг-баранг ва кўтаринки кайфиятни юзага келтиради.

Таҳлил натижаларининг муҳим хулосаларидан бири ўспиринлик даврида ота қиёфаси муайян даражада деидеализатсия қилиниши ҳамда бола унга танқидий баҳо бера бошлашини намоён қилди. Нотўлиқ оилаларда ушбу жараён онанинг баҳоси ва ижтимоий муҳит таъсирида янада тезлашиши кузатилди.

“Менинг отам бошқа оталардан ... билан ажралиб туради” жумласига берилган жавоблар контент-таҳлил қилинганда, улар икки қутбга ажралди. Биринчи турдаги жавоблар отасини ижобий баҳолаган ҳолда “меҳрибонлиги”, “ақллилиги”, “кучлилиги”ни кўрсатган. Қишлоқ ҳудудидаги респондентларда анъанавий қадриятлар тизими туфайли мазкур кўрсаткич нисбатан юқорироқ натижаларни кўрсатди. Иккинчи турдаги жавоблар инкор мазмунини ифодалади ҳамда “биз билан яшамаслиги”, “бизни ташлаб кетганлиги”, “қўнғироқ қилмаслиги” билан ажралиб туриши таъкидланган. Айниқса, 14-16 ёшли ўрта ўсмирлар гуруҳида отага нисбатан араз ва агрессия кузатилиб, улар “агар отам бўлганида, мен мактабда ўзимни баландроқ тутардим” каби ижтимоий мақом етишмовчилиги билан боғлиқ жавобларни берганлар.

“Отанинг характеридаги... менга ёқмайди” жумласида респондентларнинг 34,8 фоизи “жаҳлдорлиги, ичиши, ваъдасида турмаслиги” каби хулқ-атвор стереотипларини кўрсатган бўлса, 41,8 фоизи энг катта салбий сифат сифатида “бепарволик, совуққонликни” қайд этган. Ўғил болалар ота муносабатларига қайсарлик ва маълум талаблар билан ёндашсалар ҳамда молиявий қийинчиликларда отани асосий айбдор сифатида талқин қилсалар, қиз болалар учун отанинг жисмоний йўқлигидан кўра, унинг ижтимоий-психологик лоқайдлиги кўпроқ жароҳат етказувчи омил эканлиги тасдиқланди. Отанинг иккинчи оила куриши ва у ерда бошқа фарзандларининг борлиги ҳам бола онгида руҳий ўқцикликни келтириб чиқаради. Ўзини доимий равишда солиштириш орқали “иккинчи даражали шахс” сифатида баҳолаши кузатилди. Бу ҳолатни яшаб ўтишда нотўлиқ оилада отанинг ҳолати ва роли она томонидан тўғри тавсифланиши бирламчи аҳамият касб этади.

Оилавий низолар ва онанинг таъсир даражаси нотўлиқ оила ичидаги яширин низоларни ҳамда боланинг икки томонлама садоқат ёки икки ўт гирдобиди қолганини кўрсатувчи энг яширин ҳолат ҳисобланади.

“Онам отам ҳақида гапирганида, мен...” жумласи бола шахси ва онгига она томонидан ўтказиладиган ижтимоий босимни очиб берди. Респондент-болаларнинг 53,5 фоизи ушбу вазиятда ички салбий ҳиссиётларни бошдан кечиришини ёзган. Хусусан, “қулоқларимни ёпиб олгим келади”, “хафа бўламан”, “ўзимни айбдордек ҳис қиламан”, “йиғлайман” каби жавоблар қайд этилди. Фақат 20,9 фоиз респондент онасини тинглашини ва отаси ёмон кўриб кетишини таъкидлаган. Бу шундан далолатки, она томонидан собиқ эрнинг мунтазам салбий қиёфада талқин қилиниши болаларда отага нисбатан нафрат эмас, балки сурункали ички стресс ва хавотир ҳолатини келтириб чиқаради.

“Агар отам уйга келса, онам...” жумласига берилган жавобларнинг 60,4 фоизи низо кутиш хавотирларидан дарак беради. Хусусан, “уришиб кетишади”, “юзлари ўзгариб кетади”, “хонадан чиқиб кетадилар” қабилдаги жавоблар қайд этилган. Бу нотўлиқ оилаларда ажрашишдан кейинги мулоқотнинг маданий ва конструктив даражада эмаслигини, низолар сурункали давом этиш босқичига ўтганини эмпирик жиҳатдан исботлайди. Бу вазият нотўлиқ оила аёлининг иккинчи турмуш қуришида янги отанинг кириб келиши билан мураккаблашади. Оиладаги тўқнашувлар болада “отам бўлганда бошқача бўларди” деган ўқинчни уйғотиб, ҳам ўғай, ҳам ўз отаси билан муносабатларни йўлга қўйишда мураккаб икки босқичли мослашувни талаб қилади.

“Менинг оилавий бахтим учун отам...” якуний жумласига респондентларнинг мутлақ кўпчилиги “ёнимизга қайтиб келиши шарт”, “онам билан ярашиши керак” деб жавоб берган. Мазкур натижа бола онг остида тўлиқ оила моделини ва интегратсиялашган ота образини тиклашга бўлган ижтимоий-психологик эҳтиёжнинг жуда кучлилигини кўрсатади.

Олиб борилган диагностика натижаларига кўра, отасиз оилаларда улғаяётган ўғил фарзандлар учун жамиятда ва таълим тизимида ижобий эркаклик намуналарини институтсионал кўпайтириш орқали уларнинг эркак образи ҳамда вазифалари борасидаги когнитив камчиликларини қоплаш зарур. Қиз болалар учун эса ота образини она томонидан сурункали салбий бўёқлардан ва доимий низолардан ҳамда ички эмоционал хавфсизлик ҳиссини кучайтириш уларнинг келажакдаги мустаҳкам оилавий ҳаётлари шаклланиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу комплекс ижтимоий-педагогик ҳамда социологик ёндашув нотўлиқ оилада вояга етаётган шахснинг трансформатсиялашаётган ўзбек жамиятида ўз ўрнини муваффақиятли топишида асосий детерминант бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Lemb M. The role of the father in child development. 5th ed. – Hoboken, NJ: John Wiley & Sons, 2010. – 672 p.
2. Баратова Д. Нотўлиқ оилаларда фарзандларнинг ижтимоий мослашуви: омиллар ва стратегиялар // Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – № 1. – Б. 114.
3. Зарипова Н. Болада ота образи ҳақидаги тасаввурларнинг психологик таҳлили // Modern Science and Research. – 2024. – № 3. – Б. 66.
4. Калина О., Холмогорова А. Роль отца в психическом развитии ребенка: монография. – Москва: Форум, 2011. – 112 с.
5. Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: п.ф.н. дисс. автореферати. – Тошкент, 2005. – 54-бет.
6. Ядгарова Г. Нотўлиқ оилаларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: п.ф.н. дис. ... автореферати. – Тошкент, 2004. – 54 бет.